Хозирги газеталар Оврупанинг махсули. Ўн олтинчи асрда Венетсияда кенг урф бўлган янгиликларга тўла кўлёзма варакалар («газете»)ни замонавий газеталарнинг илк аждоди дейиш мумкин. Ўша пайтда жахон савдоси маркази бўлган Венетсия газеталари Италия ва Оврупадаги урушлар ва сиёсий хаёт хакида ёзишарди. Ўн еттинчи асрдан бошлаб босма газеталар бутун Оврупа бўйлаб кенг таркалди.

Ислом дунёси биринчи марта газета билан Оврупа давлатларининг Шаркка харбий, иктисодий ва сиёсий жихатдан фаол юришидан сўнг танишди. Оврупаликлардан бу янгиликни биринчи бўлиб расман Усмонли салатанат вилояти саналган Миср кабул килди. Туркиянинг ўзида эса биринчи мусулмон газеталари ўн тўккизинчи асрнинг ўттизинчи йилларида пайдо бўлди. Уларда султоннинг фармон ва фармойишларигина, шунингдек, саройдаги байрам ва маросимлар ёритилар эди. Етмишинчи йилларга келиб Истанбулнинг ўзида 81 та газета чоп этила бошлади.
Русия мусулмонлари, биринчи навбатда татарлар Якин Шаркдаги диндошларидан анча олдин Оврупа маърифатининг ютуклари билан танишишга муваффак бўлишди. Шунга карамай, Русиядаги илк мусулмон газетаси «Таржимон» 1883 йилдангина нашр этила бошлади ва йигирма йил мобайнида Русияда шундай нашрлар орасида ягона бўлиб турди. Атокли мутафаккир ва маърифатчи Исмоил Гаспирали унинг бош мухаррири эди. Газета узок вакт Русиянинг турк тилидаги ягона нашри бўлиб турди, йигирманчи аср бошларида дунёда сакланиб колган газеталарнинг энг кексаси эди. «Таржимон» ўттиз беш йил чикиб турди ва 1918 йил 23 февралидагина ёпилди. У хафтасига бир-икки марта, мўъжазгина хажмда, озрок нусхада босиларди. Аммо бу кичкина варакларнинг хизмати улкан эди. «Таржимон» таъсири остида Русиянинг турли бурчакларида кўплаб янги мактаблар, хайрия муассасалари очилди, адабий фаолият бошланди.
Гаспирали мохир сўз устаси эди, унинг соддалик, кискалик ва равшанлик билан ажаралиб турувчи ўз услуби бор эди. У ана шу тил ёрдамида мусулмон оламини бирлаштиришни орзу киларди. Газетани Кирим, Истанбул, Тошкент, Боку, Козон ва бошка жойларда бемалол ўкишарди.
Исмоил Гаспирали ўзи чоп эттираётган газета оркали инглиз мустамлакачиларининг боскинчилик сиёсатини каттик танкид килди. 1887 йилдан бошлаб «Таржимон»да давомли босилган «Фарогат ўлкаси» вокеий киссасини билимдон сайёх – «Тошкентлик Мулла Аббос» тахаллуси билан чоп эттирди. Бу сайёх Парижда бўлганида «Инглизларнинг Мисрда на диний, на кариндошлик манфаати бор, улар факат бу мамлакатга босиб олиш илинжида келишган, бунга хайрихохлик кўрсатиб бўлмайди», деган эди.